

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АҲБОРОННОМАСИ**

**Аҳбороннома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган**

**2020-6/2
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2020

**XX АСР БОШЛАРИДА ЭРОН МАТБУОТИНИНГ ТУРКИСТОН ВА БУХОРОГА
ТАРҚАЛИШИ**

**М.З. Орзиев, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
Ж.Ж. Мажидов, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**

Аннотация. Ушбу маколада XX аср бошларида Эронда чоп этилган газеталар ва уларнинг Туркистон ва Бухоро худудларига кириб келиши, Туркистон ўлкасида “эроний” диаспорасининг шаклланиши ва форсий тилдаги матбуот органларининг вужудга келиши ўша давр даврий матбуоти, тарихий адабиётлардаги маълумотлар асосида очиб берилган.

Калит сўз: муҳожир, газета, журнал, бобийлик, “эроний”, “Шулаи инқилоб”, Каспийорти вилояти, диаспора

Аннотация. В этой статье описываются газеты, изданные в Иране в начале двадцатого века, и их вхождение в Туркестан и Бухару, формирование «иранской» диаспоры в Туркестане и появление персидских СМИ на основе информации из периодических изданий и исторической литературы того времени.

Ключевые слова: эмигрант, газета, журнал, бабизм, иранец, "Шулаи инкилоб"(Луч революции), Закавказьская область, диаспора.

120 XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI –6(2)/2020

Abstract. The article deals with the disseminotion of the Imnion publisheol newspopeks in Turkistan and Bukhara, formation in Turkistan of the "Ironi" diaspora and emepgence of publishing houses in Persion longuoge bosed on periodical press of that period and information from the historical literature.

Keywords: emigrant, newspoper, magazine, babizm, "Ironion", "Shulai inqilob", beyond the Caspion region, diaspora.

XX аср бошларида Эрон Россия ва Англияга ярим қарам давлат бўлиб қолганди. Саноат маҳсулотларининг кириб келиши Эрон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, майда ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишига сабаб бўлди. Ишсизлик авж олиб, муҳожир ишчилар сони йилдан-йилга ортиб борди. Муҳожирларнинг яна бир оқими сиёсий ва диний таъкиб натижасида келиб чиқиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида бобийлик ва баҳоиулла оқимларининг таъкиб остига олиниши эди. Айтиш мумкинки, бобийлар Ўрта Осиё худудларида биринчилардан бўлиб ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун матбуот зарурлиги ғояларини тарғиб қилганлар деб холоса қилиш мумкин. Ўша даврларни ўз кўзи билан кўрган таникли адаб ва муаррих Садриддин Айнийнинг асарларида: “...кўпчилик эса, газета ўқувчиларни бобийлар ва газеталарни бобийлар китоби дер эди [1,200]”-деган жумлалари ана шундай холосага келиш учун асос бўлади.

Туркистон генерал-губернаторлиги даври Туркистонга Эрондан муҳожирларнинг кириб келиши XIX аср охири-XX аср бошларида кучайган. 1909 йилги маълумотларга кўра Каспийорти вилоятида Эрондан ишлаш учун келганлар сони тобора ортиб борган. 1917 йил инқилоб арафасигача бўлган маълумотларга кўра, Россия империяси худудида 200 мингдан ортиқ эронлик ишчилар бўлиб, уларнинг тенг ярми Ўрта Осиё худудларида яшаган [8,73]. Тарихий адабиётларда эронликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушлари ҳақида маълумотлар ҳам қайд этиб борилган. Эрондан сиёсий ва диний таъкибдан қочиб Туркистон генерал-губернаторлигининг Каспийорти вилоятига кириб келган бобийлар 1896 йилдаёк ўзларининг замонавий дунёвий таълим берувчи мактабларига эга бўлганлар. Шунингдек, 1901 йилда ушбу бобийлар жамоаси ўзининг “Алмаориф” номли матбуот органига ҳам эга бўлганлар. Аммо, газета тез орада Россия империяси маъмурларининг хайриҳоҳлигига қарамай муштариylарнинг етарли бўлмаганлиги сабабли ёпилиб қолади [6,133].

Бухорода маҳаллий матбуотнинг шаклланишига қадар кенг тарғиб қилинган Эронда чоп этилган матбуот органларидан Табризда (Эрон) чоп этилган “Адолат” ва “ал-Хадид” (Темир), биринчи нашри Табризда кейинги нашрлари Ҳиндистонда чоп этилган “Ҳаблулматин” (Мустаҳкам ип маъносини билдиради, форс тилида) каби матбуот органларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Эроннинг Табриз шаҳрида чоп этилган ва иккинчи сониданок Бухорога етиб келган форс тилидаги “ал-Ҳадид” газетасида Эрондан ташқари Усмонийлар империяси, ислом олами ва Европа мамлакатларида рўй бераётган янгиликлар хабар қилиниши ёзилади. Шунингдек газета 1904 йилдан бошлаб чика бошлагани, унинг обуна баҳоси тўрт манат эканлиги, газетада ички хабарлар билан бирга дунёҳ хабарлари ҳам босилиб борилиши билдирилган. Газетанинг 2-сони 2 сахифасида газетада мақолалар билан иштирок этиш, мақолаларга гонорар тўлаш, Кавказ ва Ўрта Осиёдан муҳбирларга эга бўлиш истаги билан боғлиқ сатрлар ўрин олган. “Ал-Ҳадид” газетасининг Туркистон ва Кавказда кўп сонли бўлишга умид билдирилган [2].

“Адолат” ва “ал-Ҳадид” газеталарининг айрим сонлари Бухоро давлат музей қўриқхонаси қошидаги Камолиддин Беҳзод номидаги Санъат музейида сакланмоқда. Улар билан танишиш жараёни шуни кўрсатдики, газеталардаги мақола ва хабарларда, мусулмонларнинг ҳар кандай оқим ва маҳзабларга мансублигидан қатъий назар бирликка даъват этувчи гоялар етакчилик қиласи.

Айтиш мумкинки, эронлик муҳожирлар Туркистон генерал-губернаторлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда империяга ўзларининг садоқатларини сақлаб турганлар. 1905-1907 йилларда Россия империясидаги инқилоб даврида ўлқадаги турли аҳоли гурухлари ва уларнинг инқилобий ҳаракатларига муносабатлари ўрганилган. Каспийорти вилояти Ашхобод уезди бошлиги Куколь-Яспольский 1905 йил ўз раҳбарларига йўллаган ҳисоботларининг бирида: “Унга қарашли бўлган уездда кўплаб “эроний”лар борлиги, аммо, саводсизликлари ва жоҳилликлари сабабли инқилобий ҳаракатларга қўшилмасликлари”ни ёзган бўлса, тарихий адабиётларда Самарқанд,

XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI –6(2)/2020 121

Жиззах худудларида бир неча юз “эроний” бўлгани ҳолда улар хукуматни қўллаб-қувватлаганликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилган [5,199].

Эронлик муҳожирлар асосан майда савдогарлар, ҳунармандлар бўлиб, улар орасида маърифатпарварлар салмоғи ҳам анчагина эди. “Алмаориф” газетаси тезда ёпилган бўлсада, унинг ўрнига 1902 йилда “Хуршиди Ховар” (“Шарқ қуёши”) газетаси Лазиз Азиззода муҳаррирлигига чоп этила бошланади [6,134]. Закаспий вилоятида Эрон муҳожирларининг сонининг ортиб бориши ва уларнинг Россия империясига хайриҳоҳлиги сабабли қатор матбуот органлари вужудга келади. Жумладан, 1914 йил 14 декабридан “Закаспийская туземная газета”сига илова сифатида турк-форс тилларида “Рўзномаи мовари баҳри Хазар” газетаси чоп этила бошланган. Шунингдек, юқорида тилга олинган “Хуршиди ховар” газетаси маълум бир муддат ёпилган бўлиб, 1915 йилда яна худди шу ном билан фалсафий, илмий ва диний мазмунда С.М. Қосимов муҳаррирлиги остида чоп этила бошланган [11].

Форс тилидаги матбуот ва Эрон матбуотининг 1917 йилдан кейин Туркистон ўлкасида анча фаоллашганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий адабиётларда советлар тузумига қарши ташвиқот олиб борган матбуот органи сифатида “Раат” газетаси тилга олиниб, унинг муҳаррири сифатида собиқ Россия империясининг Техрондаги вакилларидан бири Сайд Али Ризо эканлиги тилга олиб ўтилади [4,99].

Шўролар инқилоби даврида Самарқандда 1919-1921 йилларда форс тилида нашр юзини кўрган ва Богишамол эронийлари “Ишторкюн” (партия, фирмә) матбуот органи бўлган “Шўълаи инқилоб” (“Инқилоб шулоаси”) журнали инқилобни, шўро гояларини форс-тожик тилли аҳоли орасида тарқатищда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Журналнинг масъул муҳаррири Сайд Ризо Ализода бўлиб, жами 91 та сони нашр юзини кўрган. Унинг тўлиқ нусхалари Бухоро вилоят кутубхонасида сақланмоқда. Сайд Ризо Ализода Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи “эроний”лар орасида ўзининг илм-фан, маорифга қўшган улкан ҳиссаси билан алоҳида ажralиб туради.

“Шўълаи инқилоб”га қадар Сайд Ризо Ализода Беҳбудий томонидан ташкил этилган “Ойна” (1910-1914 йилларда чоп этилган) журналида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1915 йилда эса, ўзи мустақил равишда “Шарқ” номли газетасига, 1916 йилда “Телеграф хабарлари” газетасига асос солади. Инқилоб гояларидан илҳомланган Сайд Ризо Ализода 1919 йилда “Шўълаи инқилоб” журналига асос солган. Аммо, кейинчалик ўз қарашларидан чекинганлиги боис 1938 йилда қатағонга учраган [12].

Сайд Ризо Ализода “Шўълаи инқилоб” журналида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида, Эронда чоп этилган матбуот органилари ҳақида имкон қадар маълумот берабор боришига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, “Шўълаи инқилоб”нинг 16-сони, 1919 йил, 16 август шанба кунги сонида: “Ашқобод йўли бойлангандан сўнг Эрон матбуотидан Ўрта

Осиёда яшовчи “эроний”лар маҳрум қилингани, Эрондаги ҳолатдан хабарсиз бўлиб қолганликлари, эндиликда йўлнинг очилиши билан бир неча Эронда чоп этилган газеталар Самарқандга етиб келгани, улар 4-5 ой илгари чоп этилганлиги ва Ашқободда тўпланиб қолганлиги, Самарқандга етиб келган газеталар “Жарчии миллат” (“Миллат жарчиси” Техронда чоп этилган), “Шарқи Эрон” (“Эрон шарқи” Табризда чоп этилган) газеталар эканлиги билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилади [9].

Ўрта Осиё ҳудудларида яшовчи “эроний”лар орқали Эрон давлати ҳудудида кейинчалик инқилобий ҳаракатларни ташкил этиш, бунинг учун улар орасида коммунистик ғоялар тарғиботида фаол иш олиб бориши коммунист раҳнамолар томонидан назоратга олинган. Эрондаги инқилобий вазият эса журнал саҳифаларида ёритилиб борилган. Жумладан, журналинг 32-сон, 1920 йил, 1 март, душанба кунги сонида “Инқилоб изловчиларнинг Эрондаги қўзғолони” номли мақола чоп этилиб, унда Эрондаги инқилобий вазият хусусида бир қадар тўлиқроқ маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин [3]. Шунингдек, “Шўълаи инқилоб” журнали собиқ совет давлати ва Эрон ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, Эронда шўро мафқурасини тарғиб қилишда мухим аҳамиятга эга бўлган. “Шўълаи инқилоб”нинг 26-сон, 1919 йил, 29 декабрь душанба кунги сонида Самарқандда Эроннинг бош консулхонаси очилиши ва унинг икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилганлигини ўқишимиз мумкин [10].

“Шўълаи инқилоб” журналида Россия-Эрон ўртасидаги ўзаро келишув шартномаси моддалари ҳам келтирилган бўлиб, собиқ совет Россиясининг Эрон давлатининг Россия империяси қарзларидан бутунлай воз кечганлиги келтириб ўтилади. Журналда, ушбу шартнома шартлари, моддалари ва таҳлили Эронда чоп этиладиган “Ватан” рўзномасидан кўчирилганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади [7].

Собиқ Россия империясининг Каспийорти вилояти ҳам “эроний” мигрантлар салмоғи кўплити билан ажralиб турган вилоятлардан бири бўлиб, форс тилида ва инқилобий руҳдаги матбуот органлари Каспийорти вилояти маркази бўлган Ашқободда ҳам чоп этила бошланган. “Шўълаи инқилоб” журналининг 16-сонида: “Полторацкий (Ашқобод)да мусулмон ўзъбаси томонидан “Нажот” номли ҳафталиқ газета чоп этила бошлангани, матбуот органи Ишторкион партиясига қарашли эканлиги, аммо, газетанинг нархи кейинги сонларда эълон қилиниши [9]”- хусусидаги фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Тарихий манба ва адабиётларда Эрондан Ўрта Осиёга кириб келган XX аср бошларидаги яна бир қатор матбуот органлари “Ирони нав” (“Янги Эрон”), “Иттиҳоти машриқи” (“Шарқ бирлиги”) ва бошқалар хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу матбуот органларини таҳлил этиш орқали Ўрта Осиё минтақасида “эроний” диаспораси, улар орасида XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларни таҳлил килиш мумкин. Ушбу масалани мукаммал, коплекс тарзда ўрганишни келажакдаги вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Айний С. Асарлар 8-томлик, Т-1. (Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар) - Т.: ЎзССР давлат адабиёт нашриёти; 1963. – 384 б.
2. ал - Ҳадид (форс тилида), Табриз, 1904 йил, 2 – сон, 4 март
3. Инқилоб изловчиларнинг Эрондаги қўзғолони//Шўлаи инқилоб. 32-сон, 1920 йил, 1 март.
4. Искандаров Б.И. Бухара (1918-1920 гг.). – Душанбе. Издательство Дониш, 1970. – 168 с.
5. Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг.). диссертация на соискание учёной степени доктора исторических наук. – Елец-2019. – 461 с.
6. Маннанов Б. Из истории Русско-Иранских отношений в конце XIX-начале XX века. – Т.: Наука, 1964. – 154 с.
7. Рус ва Эрон келишуви моддалари//Шўлаи инқилоб. 71-сон, 1921 йил, 11 апрель.
8. Труды института востоковедения РАН. Вып. 15: Россия и Иран: пять веков сотрудничества. – М.: ИВ РАН, 2018. – 492 с.
9. Эрон матбуоти//Шўлаи инқилоб. 16-сон, 1919 йил, 9 август.

10. Эрон консул генерали Самарқандда//Шўлаи инқилоб. 26-сон, 1919 йил, 29 декабрь.
11. [Mulloev sharif.wordpress.com/2013/03/27/](http://Mulloev_sharif.wordpress.com/2013/03/27/)таджикская печать-Средней Азии.
12. <https://azerhistory.com/?=28244>

МУНДАРИЖА

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Abdullaeva N.R., Rakhmanova F.A. Translation of sonnets by shakespeare into uzbek	5
Ahmadjanova Sh.M. Selection and classification of speech etiquette	9
Azimbayeva R., Qulahmedova G. Modern approach to learning english in higher education	11
Bakhridinova D.N., Bakhridinova N.N. Methods of teaching english proverbs and sayings in general education schools	13
Boboyorov S.O. Interaction of contrasting linguistics and translation theory	14
Bozorova M.M. The role of didactic games in the teaching foreign language	16
Dadabayeva L.B., Xolmatova M.A. Educational games in the teaching foreign language	18
Gulyamova Sh.B. Principles of development of educational motivation of students	20
Hayitboev M.Kh. Educational methods of teaching english grammar	22
Ibrohimova M., Valiyev Q. The use of creative project technology in teaching English	24
Ilyosov F.I. Modern pedagogical technologies in the teaching foreign language	26
Imamova G.Z. Interactive educational technologies in the teaching foreign language	28
Israilova D.A. Interactive methods of teaching english in preschool pupils through fairy tales	30
Jumaniyozov Z.O., Nurullayeva X.Sh. Realiyalar tarjimasi – madaniyatlararo muloqotning asosiy obyekti sifatida	33
Kabilova G.S. The importance of modern pedagogical technologies in teaching foreign language	36
Kenjaev M.E. Modern technical means of teaching in the english language lesson	38
Khaitova D. Motivation of students when learning english language	40
Khamraev O.M. Methods of active learning in english lessons	42
Khuzhaniyazova G.Yu., Bozorova O.Kh. The concept of research of theoretical and methodological foundations of the formation of innovative culture of future technology teachers in the process of training	43
Kultayeva F.E. The role of mass media in the teaching foreign language	46
Mahamadalieva N. Innovative educational technologies in the study of english language grammar	48
Mardieva D.N. Independent work in the study of foreign language	50
Mirkasimova M. Case study as one of the innovative methods of teaching English	52
Muhammadiyeva H. Methods for improving working with the dictionary	53
Muratova N.V. Creative project technology in teaching foreign language to students	55
Nazirova O.Z. Formation communicative competence of students in the teaching foreign language	57
Nematjanov Sh.R., Umrzaqov I.I. Coororative language learning technology in teaching foreign languages	59
Normatova D.I. Communicative approach in teaching a foreign language	61
Ruzikulov E.Sh. Innovative methods in the training foreign language	63
Sultonova Sh.A. Interactive technologies in teaching english language	65
Ziyabayeva S., Qozaqova M. The using innovative technologies in the educational process	67
Бегашева Ш.Н. Рус, немис ва ўзбек тилларда фразеологизмлар таржимаси	69
Бегашева Ш.Н. Ўзбек, рус ва немис тилларида эквивалентсиз лексиканинг қўлланиши	71
Джуманиязова З.Н. Проблема переводимости и непереводимости фразеологических единиц	72
Исломов З.М. Махмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг Хоразм илмий мухитига оид қўлъёзма манбалари	76
Матъязова Н.С. Хоразмда “Гўрўғли” эпосида Авазхон образининг тутган ўрни	84
Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларини миллий корпусда беришнинг	

истиқболлари	86
4 XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI –6(2)/2020	
Назарова С.А. Ўзбек тилидаги ирригация ва мелиорация терминларини диахрон таҳлили	92
Попов Д.В. Художественно-стилистические особенности публицистики Ивана Пересветова	95
Рузметова З.Н., Артыкова Г.Ш. Семантико-стилистическая функция абзаца в рассказах А.П.Чехова	98
Шарипова Г. Методы активного обучения на уроках немецкого языка	101
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Kurbanova Sh. Sharaf Rashidov: formation of a politician	103
Nurullayeva Sh.K. Age-related rituals of the population of Khorezm oasis	107
Sharifova Sh.Sh. Mahmud Anjir Fagnaviy- the third Pyr Of Bukhara Sharif	110
Бекимметов У. Коллективлаштириш арафасидаги вазият тўғрисида Қурбон Берегиннинг асари	112
Курбанов Ч.М. Таможенное дело в Туркестане и его влияние на русско-азиатские торговые отношения	114
Орзиев М.З., Мажидов Ж.Ж. XX аср бошларида Эрон матбуотининг Туркистон ва Бухорога тарқалиши	119
Сафаров Т.Т. Бухоро гузарлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни	122
Тошов К.Т. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхондарё вилоятида ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши	126
Шихов О. Буюкларга эҳтиром	129